

**Ўзбекистон Республикасида "Табиий газни назорати ва  
ҳисобининг автоматлаштириш тизимини жорий этиш" (АСКУГ)  
инвеститсия лойиҳаси тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизишини жорий этиш" лойиҳасини амалга оширишга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги 2020-йил 24- сентябрдаги **ПҚ-4840-сонли** қарорига мувофиқ Республикадаги **3,546,148 та** истеъмолчиларга электрон газ ҳисоблагичларни ўрнатиш ва тизимни жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Лойиҳа қиймати **603,01 млн АҚШ** долларини ташкил этади. Шу билан бирга, компаниянинг ўз мабағлари, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати билан таъйинланган Италия тижорат банки ва Италиянинг "SACE" экспорт-кредит агентлиги молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

2023 йил 28 сентябрь кунига қадар лойиҳаси доирасида **3,721 млн** аҳоли истеъмолчиларига (шундан ер участкаларида жойлашган **2,754 млн** аҳоли хонадонларига) замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилиб, Италиянинг "Террапова" компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган янги **"АСКУГ" биллинг тизими**га интегралсия қилинди ҳамда газ таъминоти корхоналарида "онлайн" режимида масофадан назорат қилиш ва **олдидан тўлаш** ("препай") тизимларига ўтказилди

Мазкур лойиҳани лойиҳалаштириш доирасида 2022 йил давомида жами **190,42 млн АҚШ** доллар амалда жалб қилинди, шундан **117,82 млн АҚШ** доллари давлат кафолати остидаги хорижий кредитлари ва **72,60 млн АҚШ** доллари "Ҳудудга таъминот" АЖ нинг ўз малағларини ташкил қилади.